

Фарғона шаҳри

"15" июл 2022 йил

Кейинги ўринларда "Бош пудратчи" деб юритиладиган Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида иш қилувчи директор А.Закириев бир томондан ва кейинги ўринларда "Ёрдамчи пудратчи" деб юритиладиган "Қўرғон Сифат" МСЖ номидан Устав асосида иш қилувчи директор Ж.Жумаев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПП-4565-сонли қарорига асосан Қувасов шаҳар Валик МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш ва асфальтлаштириш ишларини (кейинчалик-объект) бажаришга доир маъмур шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

- 1. Маъмур шартномада кўрсатилган таърифлар қўлланилади:
- Ижро ҳужжатлари - натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўларғиларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект реконструкция қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сиёсви тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- қурилиш майдони - маъмур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилган ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгиланган бўлади;
- вактинчалик ишоотлар - Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатилган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишоотлар;
- беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажаришдан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийمатини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Ёрдамчи пудратчи маъмур шартнома бўйича объектда реконструкция қилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Бош пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига реконструкция қилиш ишларини бажариш учун зарур шартлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Маъмур шартнома бўйича объектда Ёрдамчи пудратчи 933 390 956 (Тўққиз юз ўттиз уч миллион уч юз тўқсон минг тўққиз юз эллик олти) сўмлик ишларини бажаради.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 5. Ёрдамчи пудратчи маъмур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 6. Ёрдамчи пудратчи объектни белгиланган иш ҳажмларидан жорий йилда фақат шартномада кўрсатилган иш ҳажмларини (иш турлари) амалга оширади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

- 7. Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига 30% аванс маблағини ўтказиши.
- 8. Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчи ҳар ойда бажарилган реконструкция қилиш ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура" билан расмийлаштириши. Бош пудратчи томонидан тўловлар ва ҳисоб-китоблар шартномага асосан фақат Ёрдамчи пудратчининг ваколатли банкидаги ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 9. Бажарилган реконструкция қилиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молияландирилади. Бунда жорий молияландириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда бажарилган ишлар миқдоридан фойз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қийматининг 95 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади.
- 10. Бажарилган ишлар қийматидан 5(беш)% кафолат маблағи ушлаб қолинади. Ушлаб қолинган кафолат маблағини "Бош пудратчи" ҳисоб рақамига "Буюртмачи" томонидан молияландирилгандан сўнг "Ёрдамчи пудратчи" билан тўлик ҳисоб китоб қилинади. Шу билан бирга "Ёрдамчи пудратчи" Ушбу объектда бажарилган ишлар қийматидан «Бош Пудратчи»га 2 (икки) фойз миқдорда «Бош пудратчи хизматлари» учун тўловни амалга оширади.

VI. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 11. Маъмур шартнома бўйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
 - реконструкция ишлари бошланишдан олдин объектда реконструкция ишларини олиб бориш даври учун, Бош пудратчи иштирокида реконструкция қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи танкилотдан қабул қилиб олади ва қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи танкилотга топширади. Реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмида йўл ва йўл ишоотлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади ҳамда автотранспорт воситаларининг ҳавфиз ҳаракатини таъминтайди;
 - объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириши ва Бош пудратчига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;
 - объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;
 - зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўришдош машина-механизмлардан фойдаланишини, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаглигини қўрагувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи танкилотнинг тегишли ҳулосаси ва ишлатилган машина - механизмлар нархи ваколатли идора(танкилот, орган)нинг экспертиза ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;
 - барча ишларни маъмур шартномада назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, қурилиш қодалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишчи Бош пудратчига маъмур шартнома шартларига мувофиқ топширади;
 - объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омонга қўйиш ва сиқлашни амалга оширади;
 - зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудига вақтинчалик ишоотлар қуради;
 - қурилиш майдонда техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофиз қилиш бўйича зарур тadbирлар бажарилишини таъминлайди;
 - маъмур шартнома бўйича объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олинган тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналарни, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик ишоотлардан бўшатади;
 - қурилиш майдони қурилганини таъминлайди;
 - маъмур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4000000 м.с

12. Ердамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва Ердамчи Ердамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Бош пудратчи олдида тўлиқ мулкка эга бўлади. Ердамчи пудратчи Бош пудратчи олдида Ердамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

13. Ердамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунча қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунча қадар объектнинг тасолифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Ердамчи пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

14. Мазкур объект "Бош пудратчи" томонидан фойдаланишга топширилгунча қадар ушбу объектда содир бўладиган барча асосий ва қимчиликларни бартараф этиш ишлари "Ердамчи пудратчи" зиммасида бўлади. Кейинчалик мазкур объект юзасидан назорат тафтиш инспекциялари томонидан ўтказиладиган ҳар қандай текшириш натижалари бўйича жавобгарлик ва шикастланган қимчиликларни бартараф этиш "Ердамчи пудратчи" зиммасига юклатилади.

VII. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Мазкур шартномани бажариш учун Бош пудратчи:
-Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ердамчи пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Ердамчи пудратчида тугалланган ишларни, амалдаги қурилиш ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;
-Ердамчи пудратчининг барча мурожаатларини бир ой муддат ичида қўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши мумкин;
-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Ердамчи пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Бош пудратчи қурилиш майдонига ўз вақтинчи -қурилиш бўлим бошлигини тайинлайди, у Бош пудратчининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан доимий назоратни амалга оширади, шунингдек Ердамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг дохира смета ҳужжатларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Қурилиш бўлим бошлиғи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Ердамчи пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Бош пудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган қурилиш бўлим бошлиғи билан ҳар ойнинг 25 кунидан охиригача объектнинг ўзида қўриб қолади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларида ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар "Бош пудратчи"га топширади.

19. Бажарилган ва молибланштириш учун қабул қилинган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади. Шикастланганда, кейинги ойларда бажарилиши иш ҳажмлари равишида равишда таъминлади.

20. Ердамчи пудратчи объектда ишларни бажарилиши муваффақ равишда таъминлади.

21. Ердамчи пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибни йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишди ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Ердамчи пудратчи қурилиш майдонига умумий тартибни таъминлайди.

23. Қурилиш майдонига ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш пунктларида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Ердамчи пудратчи амалга оширади.

24. Ердамчи пудратчи ўзи томонидан қурилиш қўлланадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи бўловлар, конструкциялар ва тизимлар сифати дохира ҳужжатларида қўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Аллоҳда масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланганидан 2 кун олдин Ердамчи пудратчи Бош пудратчини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

26. Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Бош пудратчининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда Бош пудратчининг талаби бўйича Ердамчи пудратчи унинг қўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг иситилган қисмини ўз ҳисобидан очиниши, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструкция элементларини ойлик (оратик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фисурга билан расмийлаштирилади.

29. Агар Бош пудратчи Ердамчи пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилишини аниқласа, у ҳолда Ердамчи пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбур.

30. Ердамчи пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодаллигини таъминлайди ҳамда автотранспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракатини таъминлайди.

31. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Ердамчи пудратчи реконструкция ишларини бажарилишини юритиш дафтари юритиш. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бош пудратчи ва Ердамчи пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошлангани ва тасом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик-ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

32. Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ердамчи пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

33. Ердамчи пудратчи дафтарда Бош пудратчи томонидан асосли равишда қўрсатилган қимчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чораларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

34. Ердамчи пудратчи ишлар бошланганидан реконструкция қилиш тугаллангунча ва реконструкция қилиш тугалланган объект Бош пудратчи томонидан қабул қилиб олишгунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудига материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқлишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИغان КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

35. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, қокори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беаҳдета таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

36. Ердамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятини бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Ердамчи пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

37. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар қандай келтирилган вазият мутаносиб равишда узайтирилади.

38. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ердамчи пудратчи ва Бош пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни қисқартриш қилиш учун қандай чоралар қурилишни муҳофиза қилади.

39. Агар томонлар икки ой ичида келишма олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ О.И.Ш

40. Реконструкция қилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мажбур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек реконструкция қилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш шахарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

XII. КАФОЛАТЛАР

41. Ёрдамчи пудратчи:

- барча ишлар туғил хажмида ва мажбур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиҳа-смета ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;
 - ўзи томонидан қурилган учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - шартномада белгиланган қафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этилиши;
 - объектдан фойдаланиш анда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.
42. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолати муддати томонлар реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиш туғилгандаги даволатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой эътиб белгиланади.

43. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолат муддати аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

44. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчининг икки томонлама даволатномасида қайд этилади.

45. Ёрдамчи пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган даволатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Фарғона туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишини негизга олмайди.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Томонлар ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғилганда"ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мажбур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка таърилади.

47. Реконструкция қилиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Бош пудратчи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни ҳамда унинг босқимлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугаллагани;
- Бош пудратчи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;
- объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;
- реконструкция қилиш жараёнида ёки оралик қабул қилишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган қонсуқчилик ва ишлардаги йул қўйилган қамчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суртиш;
- шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

48. Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа қамчиликлар мавжудлигида Ёрдамчи пудратчи ўз ҳисобидан бартараф этили.

49. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бузганлиги учун Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматиининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

50. Ёрдамчи пудратчи томонидан Объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматиининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

51. Ёрдамчи пудратчи бажариш графигида 2020 йил ҳар чораги учун белгиланган иш хажми (иш турлари) қийматиининг шу чорак учун белгиланган иш хажмининг бажарилмаган қисмининг Бош пудратчига 2 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

52. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ва жарима тўлаш томонларнинг ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

53. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йул билан ҳал этилади.

54. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Фарғона туманлараро иктисодий судига эътироз тартибига риоя қилинган ҳолда, қўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни қўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон белгиланган кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

55. Бош пудратчи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Ёрдамчи пудратчи томонидан бир ойдан кўра вақтга кечиктирилганда;
- Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати тасвирининг ёки қоидалардан даражада бузилишига;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Ёрдамчи пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Бош пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Бош пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

57. Шартнома бекор қилинганда Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Бош пудратчига берилади. Бош пудратчи бажарилган ишлар қийматиини Ёрдамчи пудратчига тўлайди.

58. Мажбур шартномани бекор қилишга қарар қилиш томон мажбур бўлим қонсуқчи мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборилади.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мажбур шартномада назарда тутилган ҳолда бундан мустасно.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, шартномалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотган.
61. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, Ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳаққий ҳисобланади.
63. Бош пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаш керак.
64. Ёрдамчи пудратчи объектда қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш давомида Бош пудратчига ва бошқа турдош Ёрдамчи пудратчига ҳақда бермаслиги лозим.
65. Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш даврида лойиҳадан огтишлар учраган тақдирда, лойиҳа бош муаллифи ва Бош пудратчи билан келишилган ҳолда жойига мослаб қурилиш ишларини бажарилиши лозим.
66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонини ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
67. Мазкур шартномала назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
68. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
69. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вуҷудга келади.
70. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва "31" декабр 2022 йилга қадар амалда бўлади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАШҚ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАЅВИЛЛАРИ:

БОШ ПУДРАТЧИ

Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш УК

Манзил: Фарғона шаҳар, Муҳаққилик №350-г уй

х/р: 20210 000 900 210 835 001

ФО: 00493 СТИР: 200197217

Банк: ТИФ Миллийбанк Фарғона

Директор  А.Зикрияев

Бош ҳисобчи  Ш.Мамуров

М.Ў.

Юрист  М.Нахобов



ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ

"Қўргон Сифат" МСВ

Манзил: Фарғона тумани Миндон ҚФЙ
Қўргон кўчаси 105 уй

Х/Р: 20208000705392784001

МФО: 01131 СТИР: 308511290

АТБ Универсалбанк Фарғона филиали

М.  Ж.Жумаев

